

Йил мобайнида янгидан ишга туширилмайдиган электр курилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин электр энергиясининг зарур микдори учун 100 % олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда "Таъминотчи корхона"га буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган махсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, уланган қуввати 5 МВт ва ундан ортик бўлган "Истеъмолчи" "Таъминотчи корхона"нинг талабига кўра қуйидагиларни ҳисобга олиши ва бу ҳақида хабар бериши шарт:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги микдори;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкلامали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп юкلامасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

Уланган қуввати 250 кВа ва ундан ортик бўлган истеъмолчилар юқорида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қуйидагиларга мажбур:

махсулот берилганин ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чиқиш - умумий ишлаб чиқариш ва технологик; яқна тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини тахлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (махсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогност хажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

махсулот (ишлар) берилгига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узок истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

"Истеъмолчи", "Таъминотчи корхона" томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жалвалини бажариши шарт.

"Истеъмолчи" конун ҳужжатларига ва мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

"Истеъмолчи"нинг (суб)Истеъмолчи"нинг Г) ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва қўлдан олиш тарихи (кВ) кўрсатилган ҳолда	Ҳисобга олиш прибори турини (актив, номингал ток)	Ҳисобга олиш прибори рақами	Ҳисобга олиш прибори элементлари рақами	Ҳисобга олиш приборининг шартнома тузилган кундаги кўрсаткичи	Ҳисобга олиш приборининг шартнома тузилган кундаги кўрсаткичи	Тариф тури су/с/ I кВт.с.

Имзолар:

